

1

Қаерларда эдинг, ахир шунча йил –
Хәётинг қүрқинчли узун тушмиди?
Хеч йўқ ўтаётиб дарвозамни бир
Тақиллатиб ўтиш қийин ишмиди?
Энди бу Дунёда қолиш ҳам оғир,
Кийиниб... кетишга турганимда шай. Т
урибсан умримнинг қаериададир –
Кузатгани чиққан уй эгасидай...

2

Кетаман хаётдан йўлимни буриб,
Жонсиз бир суратман — мусаввир чизган.
Бошимга чиқади қуш бўла туриб —
Онам бўла туриб хом сут эмизган.
Кимдан гина қилай,
Арз қилай кимга —
Ўзимни каерга қўяй айни дам?
Балки шунинг учун таъм йўқ шеъримда –
Балки шунинг учун фикр айниган...

3

Яна қачон келаман? Борми келишдан маъни-
Тебраниб бораяпман Денгизда оққан сувдек...
Мен бу ёруғ оламга Сочилиб кетсам қани,
Лўлининг чодири-ю Хитой ёзувлариdek.

4

Тасодифан келди ва кетди шамол...
Деразам хўрсинди, оғир олди тин.
Кўчада айланиб юриб bemalol –
Юрагимни этди остин ва устун.
Қайси кўчаларга бошлаб кетди у,
Менинг ҳаётимни чиқариб издан.
Тўмандай тарқалди мендаги қўрқув- К
ечаги кунимдан қолмади из ҳам.
Қандай севган эдим сени ўша кун, Й
ўлларда дараҳтлар, кўкда ой гувоҳ!
Шуълалар одимлаб кетганди узун –
Ерлар кетган эди мендан чуқуррок....
Хаёлим паришон, жоним титроқда...
Рухим дарчалари очилганди кенг.
Мендан анча баланд, юқорироқда-
Яхшиям бор эдинг, бор эдинг,
Сен...Сен...

5

Шамол аччиқланиб gox,
Тескари бурав юзин.
Қарайди бошдан-оёқ –
Кўзи сузилган узум.

Күлмакларда құш ини,
Хазон-ла ётар чириб.
Күз үтади күксини –
Пуч ёнғоққа тұлдириб.

6

Яна қуюқлашды қоронғи осмон,
Күриб бўлмай қолди нариги бетни.
Кўз олдимда бутун дунё зими斯顿,
Шу баланд уйинг ҳам кўринмай кетди.
Шамол гандираклар.
Тонгга бор қанча,
Хазонлар ўзига келолмас ҳануз.
Дараҳтлар ер чизар.
Энди ёзгача –
Боғларда адашиб қолиб кетар куз.
Ой чиқди. Дош берармикан асабинг,
Ёп-ёруғ кунлардан бордай ном-нишон.
Қайга боришини унуган каби
Ой сенинг томингда тураг паришон.

7

Бақириб-чақиргим келса ҳам жимман,
Юраман ўзимни панага олиб.
Зифирдек бойчечак қўрқмай ҳеч кимдан,
Чиқмоқда заминнинг қорнини ёриб.
У қандай, қаердан топган ирова,
Қўрқита олмаган Шамол, Ёмғир, Тош?
О, шундай оёқлар бордир дунёда -
Ерга кириб кетар ҳар қандайин бош.
Ёнаман. Кўксимга кетган олов, ўт,
Рухимда бошланган қиёмат қойим.
Илтижо қиласман, менга ҳам ҳеч йўқ –
Майсанинг кучини бергин, Худойим!

8

Фақат чидаб туролмайди тил,
Туролмайди ўзини тутиб.
Борликдаги жамики, ҳар хил – Овозларни бўлмайди ютиб.
Ваҳм босган далаю даштни,
Кўкси тўла – жим ухлайди тош.
Бу заминда шамолга қарши –
Дараҳтлар ҳам кўтармайди бош.

9

“Qaraysan! Keldimi nimadir deging...”
Қарайсан!
Келдими нимадир дегинг,

Шундоқ рўпарамда кўринар қоранг.
Ой, қанча уринма, барибир Сенинг –
Деразамга тушади соянг.

10

Ҳар куни шу.
Тонг отиб-отмай,
Шабодаси келмай саҳарни,
Юзи қалин қуёш тап тортмай –
Ушлаб чиқар деразаларни.
Улашади бутун оламга –
Бор меҳрини бағишилаб боғлар.
Ялтиратиб қўйган ойнамда –
Қуёшдан ҳам қолади доғлар...
Бу ақлли итлардан –
Қўрқаяпман Онажон!
Бари беҳуда –
Фақат муҳаббатим муҳаббат,

11

“Кетасанми endi... ketmay qo’yaqol...”
* * *

Кетасанми энди...
Кетмай қўя қол,
Кетсанг, бу дунёга сигмайди дардим.
Бу рўйи заминда қўзғатиб шамол,
Кетмасанг бўларди...
Қолсанг бўларди...
Ахир, шом ҳам тушди.
Йўллар қорайди,
Булут бор.
Ёмғир ҳам қолади бошлаб.
Тўхта! Ё сен билан мен ҳам борайми -
Бу дунёни батамом ташлаб?...

12.

“Yo’q, boshqacha bo’ladi u kun...”

Йўқ, бошқача бўлади у кун,
Қуёш кўкка чиқса ҳам балқиб.
Куз боғларга қилса ҳам ҳужум –
Бу кунлардан бўлади фарқи.
Ўлим бор гап – тийиб тилимни,
Қулоқ согум ҳар бир сасига.
Мен ўлган кун – кўрган кунимнинг
Ўхшамасин ҳеч қайсисига.

13.

ТҮГИЛГАН КУНИМДА
Эшиллар юрак уришим,
Демак, ҳали айланмоқда қон.
Дүстлар, менинг тирик туришим –
Қанча гулга келтирди зиён.
О, бу не ҳол?
Бу қандай жазо,
Нега гуллар күттармас сурон.
Менинг жонсиз вужудим, ҳатто –
Күп гулларга келтирап қирон.

14.

“Boshimdagи telpak yumshоq yung...”

Бошимдаги телпак юмшоқ юнг –
Үлдирилган ўрмон қироли.
Менинг битта пўстиним учун
Йўқ қилганлар қанча қўённи?
Ҳаёт менга қилас қанча сарф,
Бўларди-ку тезроқ қарисам.
Бўйнимдаги қимматбаҳо шарф –
Эсдаликдир сув парисидан.
Жилоланар бургуткўз сумкам,
Юрагимга денгиз сочар дур.
Тимсоҳтери этигим билан
Мен атрофга боқаман мағур.
Тўлдираман ҳар кун камини,
О, нақадар ўчман ҳашамга.
Ҳаёт бари жонзотларини
Дафн этар менинг жуссамга.

15.

“Boryapman... nishonga tegmagan o'qday...”

Боряпман...
Нишонга тегмаган ўқдай,
Кафтимда дунё бор – гўё бир сиқим.
Шунча оломоннинг ичидан қўрқмай,
Юрагимни баланд кўтариб чиқдим.
Нима ҳам кўрибман қирқ йил ичида,
Яшаб ҳам бўлдимми?

О, нақадар оз
Онт ичишим мумкин. Бари беҳуда –
Фақат муҳаббатим муҳаббат, холос

16. ДЎРМОН

Ёзасиз... Тун бўйи...
Ичасиз оғу –
Қўрқасиз — эшикни дафъатан очсан.
Ватан бўлмаса ҳам уйимиз борку –
Олиб қўйишмаса эрта уни ҳам.

Даръол ошхонадан келтираман сув,
Қўрқувни енгамиз...
На мен...
ва на Сиз
Азизим, бугунча иккимиз борку,
Ҳаёт бўлмаса — бор — ўлим шубҳасиз.

18.

“Tong oqarib-oqarmas...”

Тонг оқариб-оқармас
Чўкиб-чўкмагайдир тун,
Дунни жимлик қоплаган,
Тин олади сукунат.
Боғу роғлар шалаббо,
Хазонлар уюм-уюм –
Қушлар сайрашга ҳатто
Этолмагайдир журъат.
Туман қоплаган кўкни –
Майсалар қовжираган,
Қил устида дараҳтлар,
Кунлар ажал остида.
Чопмоққа шай болталар,
Пичоқлар қонсираган.
Қуёшга изн йўқдир –
Зулмат салтанатида.

18.

“Tong oqarib-oqarmas...”

Тонг оқариб-оқармас
Чўкиб-чўкмагайдир тун,
Дунни жимлик қоплаган,
Тин олади сукунат.
Боғу роғлар шалаббо,
Хазонлар уюм-уюм –
Қушлар сайрашга ҳатто
Этолмагайдир журъат.
Туман қоплаган кўкни –
Майсалар қовжираган,
Қил устида дараҳтлар,
Кунлар ажал остида.
Чопмоққа шай болталар,
Пичоқлар қонсираган.
Қуёшга изн йўқдир – Зулмат салтанатида.

###

Dawn is about to break: it turns pale, Night almost falls,
The world is covered by silence, Quietness takes some rest.
Gardens are wet,

Yellow leaves are piled,
Birds cannot dare
To sing.
The fog covers the sky,
The grass fades away.
Trees hardly stay on the ground, Days are dying.
Axes are ready to chop,
Knives want to shed blood.
No permission for the sun
In the reign of darkness.

19.

“Charchading. Bilaman...”

Чарчадинг. Биламан.
Бу қандай оғриқ,
Үртайди сочингни силаган насим!
Мениң қийнаётган бу улкан меҳр –
Менинг шу чарчоққа келар ҳавасим!
Құлингда жимирлаб кетади титроқ,
Тилингда тин олар қандайдыр исм.
Ҳамма хавотирдан, құрқувдан йироқ –
Менинг шу титроққа келар ҳавасим!
Сени қандай қилиб яратди тупроқ,
Сенга овозларим етсин, етмасин...
Жоним, бу дунёдан менга яқинроқ –
Менинг шу тупроққа келар ҳавасим!

20.

“Tongotarda otlar yo’lga otlanar...”

Тонготарда отлар йүлга отланар –
Бириң-кетин кишинаң қўяр
кайфи чоғ. Орқароқда фақат битта от борар –
Хорғин қадам босар.
Кўзлар бечироқ.
Емга оғиз олиб бормас –
қолар сув,
Гўё жангү жадал – надир портлади.
Тушларида кўриб чиққан эди у,
Урушларда таслим бўлган отларни.

21.

О, менга каммиди кўрган бу куним,
Қол-қора сочимни қоплаганда кор.
Сени тушларимда кўриб чиққаним
Эрта бу дунёга бўларми ошкор?
Ичимда ҳаяжон борар гупириб,

Юрак энтикишда -бахтиёр, бетин.
Энди нима қилай?
Тонг отмай туриб
Түшларимни ювиб ташласаммикин?!

22.

Олчадан үзилган сүнгги барг каби,
Диққатингни тортмас ҳолим – Үнүтман.
Гүё қўшнимизнинг ҳовлисидағи –
Олма дараҳтидан тушган құртман.
Ҳаво ўрнида ҳам чарх урап ҳазон,
Жон оро кирмайди.
Шамол бўлмас эл.
Бугун не кўйларга солар бу осмон –
Эрта не кўйларга солар қаро Ер.

23.

Аста-секин тонглар отмоқда,
Аста-секин құримоқда қон.
Битта дараҳт йиғлар.
Қамоқда Ҳали-бери отмагайдир тонг.
Бетонларда қотиб қолган вақт,
Бир хил дарду фиғон, йиғиси.
Ҳамма нарса эскидир.
Фақат – Янгиланиб турар қон иси.

24.

БАЛКИ ҚОРҚИЗ ЯСАРСАН ҚОРДАН...
Ҳар кунгидан боғлар виқорли,
Қарғалар ҳам боқар беписанд.
Қара, жоним, кўча чиройли –
Сен ҳам ойна олдиdamисан?! Осмон оппок,
Ер жуда майин,
Балки қорқиз ясарсан қордан.
Сенга қандай етиб борайин,
Йўлларимни қор босиб қолган.

25.

Тақдир мени сийлади ҳар кез,
Йўқ оҳанглар қалбим этди ром.
Ҳаммасидан буюкроқ азиз –
Сени менга айлади инъом.
Қанча дўстлар
О, бунча эъзоз –
Муҳаббат, бахт берди кўп йиллик.
Фақатгина бир оз Вақтим оз –

Фақат умрим қисқа шекилли.
Ахир жоним эмас беәға, Чекмасам ҳам бўларку алам.
Ҳаёт берди Худойим менга —
Ўлим билан тугамайдиган.

26.

Гуноҳларим кўпми шу қадар,
Ё умидлар бўлганми барбод?
Жинояти оғир маҳбусдай —
Мени ушлаб турибди ҳаёт.

27.

АЭРОПОРТДА [“Airport”]

Кузатиб қўясан...
Қўлда оғир юқ,
Бўғзимда ҳаприқиб туради жоним.
Кўрасан — бу сафар йиғламайман, йўқ —
Фақат...
Фақатгина тез кета қолгин.
Кўксимда нимадир қилмоқда хониш,
Ана, яна титрай бошлади лабим.
Айб ўзингда ахир — турасан хомуш —
Мени сўнгги йўлга кузатган каби...

28.

Ит қувлади ортимдан,
Оймома боқар ҳайрон.
Илк бора ҳаётимда- Юрагим бўлди вайрон!
Кўнглим тўқади боғлар, Ишонибман риёга.
Билмас эдим у чоғлар,
Ит кўплигин дунёда. Итдан кўрқдим!
Ит-ку мард,
Қилмас ишини зимдан.
Юрагимда тутиб дард - Ит болалар кўзимда...
Бугун яна ортимдан Итлар қувдилар чунон.

29.

АХМАТОВА

Эриб кетди қор каби осмон,
Вужудимни ёндирганда чўғ.
Нима бўлса — бўлади тамом!
Менинг бошقا баҳтли бўлгим йўқ.
Айланмоқда бошимда осмон,
Оёғимдан қочиб борар ер.
Тутилмасдан —
Жуда ҳам осон —
Кўзингиздан ўқияпман шеър.
Ўқимаган бу шеърни ҳеч ким,
Ёзилмаган китобда ҳатто.

Розимисиз, жоним, азизим —
Үқийверсам ўлгунимча то?
Бир нүктада тўхтаб турса Вақт,
Соат деворларга урар дўқ.
Тушун,
Мени қучиб турган Бахт,
Менинг бошқа бахтли бўлгим йўқ.

30.

Бугун чин яшадим —
Ўлим бормади,
Исмимни ёзишни улгурдим тошга.
Бу ёруғ дунёда ишим қолмади —
Ўзимни эҳтиёт қилишдан бошқа.
Оёғимга оғир ботиб кетди ер,
Осмон бунча яқин бўлмаса бошга.
Мени бошқа ишим қолмаган ахир —
Жоним, бу дунёда яшашдан бошқа.

*